

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir
Высшее благо медицины – здоровье

ЎЗБЕКISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКISTАНА



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган

E-mail: uzss@inbox.ru

2006 йил 21-30 октябрь № 43 (507)

Сешанба кунлари чиқади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида

Муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рўза ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш тўғрисида» 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармониغا мувофиқ:

1. 2006 йил Рамазон ҳайитининг биринчи кунини 23 октябрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлар идораси мурожаатини инобатга олиб, 2006 йил 23 октябрь дам олиш кунини деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада ўтиши учун тегишли тadbирларни амалга оширсинлар.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри, 2006 йил 18 октябрь.

И. КАРИМОВ.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKACI COГЛИҚНИ SAQLASH BAZIRLIGINING BUYRUG'I

2006 йил 16 октябрь

№ 448

Тошкент ш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 5 октябрдаги 209-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида»ги чиқарган қарорини эълон қиламан:

Соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг масъулиятли ва мураккаб меҳнатини моддий рағбатлантириш ва тақдирлаш тизимини такомиллаштириш, ўз ҳаётини олижаноб ишга – инсоннинг соғлиғи ва ҳаёти тўғрисида ғамхўрлик қилишига бағишлаган тиббиёт ходимлари фаолиятининг обрў-эътибори ва ижтимоий аҳамиятини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишонини таъсис этилсин.

2. «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишонини тўғриси-

даги низом ва унинг тавсифи 1, 2-илова-ларга мувофиқ тасдиқлансин.


3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиғи (Ф.Назиров) «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишонлари ва уларга гувоҳнома бланкалари белгиланган тартибда тайёрланиши таъминлансин.

4. Мазкур қарорни бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазирини

Ш. МИРЗИЕЕВ.

(Давоми 2-бетда).



Ҳаёт жараёнларида инсон турли хил тасодифий ҳодисаларга дуч келади. Ҳаттоки, ўзи билмаган ҳолда меҳнат фаолияти давомида қутилмаган фалокатлар туфайли оғир тан-жароҳати олиши табиий. Ана шундай кезларда инсон саломатлигининг чинакам посбони ҳисобланган тиббиёт ходимларисиз муаммони ҳал қилиб бўлмайди.

Дарҳақиқат, Республикаимизда кейинги пайтларда ўзининг замонавий ташхис ва даволаш ишлари билан эл назарига туша бошлаган шошилинч тиббий ёрдам масканларининг ўрни бугунги кунда алоҳида эътирофга лойиқ. Жумладан, РШТЭИМнинг Хоразм вилояти филиалида беморлар учун яратилган барча шарт-шароитларнинг замон талаби даражасида мавжудлиги ҳамда малакали тиббиёт ходимларининг маҳорати туфайли бу ерда инсонларга қайта ҳаёт бахш этилиб, улар тезда соғайиб кетмоқдалар.

(Газетамизнинг кейинги сонларидан бирида Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Хоразм вилоят филиали фаолияти билан танишасиз).

ОБУНА – 2007

Қадрли тиббиёт ходимлари ва муштариёлар!

Сизни мамлакат тиббиёти, унинг ривожини, истиқболи билан ҳар ҳафтада қадам-бақадам таништириб келаётган «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетаси

ўн йилдан ошдики, сизнинг хонадонингизга зиё тарқатиб келмоқда.

Саломатлик борасида билимингизни ошириб бориш, соғлиқ посбонлари ҳақидаги қизиқарли мақолалар билан танишиб, мамлакат ва хориж тиббиётдаги янгиликлардан бохабар бўлиб туришини истасангиз – фақат

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига обуна бўлинг.

Соғлигини қадрига етган ва тиббиёт соҳасида ўз билиминини бойитишини истасанлар

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасини танлайди!

Нашр индексимиз: 128.

Бизнинг электрон почта: uzss@inbox.ru

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ Б У Й Р У Ғ И

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 5 октябрдаги
209-сонли қарорига 1-илова

«Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони тўғрисида НИЗОМ

1. «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони билан соғлиқни сақлаш ходимлари ҳамда аҳоли соғлиғини мустақамлаш ишида ўзини кўрсатган, етарлича иш тажрибасига ва касб малакасига эга бўлган, ўз фаолиятида юқори натижаларга эришган шахслар мукофотланади.

2. «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони билан мазкур Низомнинг биринчи бандида кўрсатилган хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

3. «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони билан мукофотлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

4. «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони кўкракнинг чап томонига, Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларидан кейин тақилади.

5. «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони такроран берилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 5 октябрдаги
209-сонли қарорига 2-илова

«Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишонининг ТАВСИФИ

«Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони сариқ рангдаги жездан тайёрланади ва 34 мм диаметри доирадан иборат бўлади. Нишоннинг қалинлиги 2 мм.

Кўкрак нишонининг олд томонида марказда орқадан таралаётган қуёш нурларида тиббиёт ходимларининг рамзи – илон чирмашган жом тасвирланган, қуйи чети бўйлаб – «SOG'LIQNI SAQLASH A'LOCHISI» ёзуви битилган лента бор.

Сўл ва ўнг ён томонларида – Дафна новдаси жойлашган. Юқори қисмида, учига саккиз бурчакли юлдуз жойлашган.

Кўкрак нишонининг орқа томонида марказда нишон унинг ёрдамида қайтарма ёқага маҳкамланадиган тўғнағич бор.

Тасвир ва ёзув – қабарик.

ТАСДИҚЛАЙМАН:

1. «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони билан мукофотлаш тартибини (1-илова).

2. «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишонига гувоҳнома бланкасини (2-илова).

3. «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони билан мукофотлаш учун тавсия этиш комиссияси таркибини (3-илова).

Б У Ю Р А М А Н:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқларига:

1.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 5 октябрдаги 209-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида»ги қарори ижро учун қабул қилинсин.

1.2. Жойларда «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони билан мукофотлаш учун тақдим этилган номзодларнинг ҳужжатларини кўриб чиқиш учун соғлиқни сақлаш тизимидаги энг обрўли ва ҳурматга сазовор бўлган ходимлардан иборат махсус комиссия ташкил этилсин.

1.3. «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони билан мукофотлаш учун тақдим этиладиган номзодларнинг ҳужжатларини мазкур буйруқнинг 1-илловасига мувофиқ Соғлиқни сақлаш вазирлигининг кадрлар бўлимига тақдим этилсин.

2. Бевосита вазирликка бўйсунувчи муассасалар ҳамда бошқа вазирлик ва ташкилотлар раҳбарларига:

2.1. «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони билан мукофотлаш учун тавсия этилган номзодларнинг ҳужжатлари мазкур буйруқнинг 1-илловасига мувофиқ тўғридан-тўғри Соғлиқни сақлаш вазирлигининг кадрлар бўлимига тақдим этилади.

3. «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони билан мукофотлаш учун тавсия этиш комиссиясига:

3.1. Соғлиқни сақлаш вазирлигига «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони билан мукофотлаш учун тавсия этилган номзодларнинг рўйхати белгилансин;

ни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони билан мукофотлаш учун тавсия этиладиган номзодларнинг топширган ҳужжатлари ўрганиб чиқилсин ва энг муносиб номзодлар рўйхати белгилансин;

3.2. «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони билан мукофотлаш учун танланган номзодларнинг рўйхати белгилангандан сўнг, уни Соғлиқни сақлаш вазири тасдиғи учун тақдим этилсин.

4. Иқтисодиёт ва маблағ билан таъминлаш Бош бошқармаси бошлиғи Б. Ҳошимовга:

4.1. «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишонлари ва уларга гувоҳнома бланкалари тайёрланиши учун тўловлар амалга оширилсин.

5. Кадрлар бўлими бошлиғи Т. Ҳақимовга:

5.1. Вазирликка тақдим этилган ҳужжатлар ўрнатилган тартибда расмийлаштирилсин, ҳамда вазирликнинг махсус комиссиясига киритилсин ва комиссиянинг хулосасига кўра тегишли ҳужжатлар тайёрлансин;

5.2. «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишонларини ва уларга гувоҳнома бланкалари тайёрланиши таъминлансин.

6. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари А. Ҳожибоев зиммасига юклатилсин.

В А З И Р

Ф. ҲАЗИРОВ.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
2006 йил 16 октябрдаги
448-сонли буйругига 1-илова

«Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирлаш ТАРТИБИ

1. «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони билан мукофотлаш учун номзодлар меҳнат жамоаси, ҳудудий соғлиқни сақлаш органлари, соғлиқни сақлаш ташкилоти, корхона ва муассасалар раҳбарлари ҳамда бошқа вазирлик ва ташкилотлар томонидан тақдим этилади.

2. «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони билан мукофотлаш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- маълумотнома (справка-объективка);

- номзоднинг фаолиятини сон ва сифат кўрсаткичларида ифодаловчи тавсифнома;

- 4x5 ўлчамдаги фотосурат 2 дона;

- Соғлиқни сақлаш вазири номига раҳбар ва касаба уюшмаси раисининг имзоси билан тақдимнома хати.

3. «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони билан мукофотлаш учун ҳужжатлар Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларига тақдим этилади.

4. Соғлиқни сақлаш вазири томонидан ҳар йили «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони билан мукофотлаш учун квота белгиланади.

5. Тўпланган ҳужжатлар жойларда тузилган махсус комиссиялар томонидан кўриб чиқилиб, энг муносиб номзодлар аниқлангандан сўнг, раҳбар томонидан имзоланган номзодлар рўйхати ва тегишли ҳужжатлар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг кадрлар бўлимига тақдим этилади.

6. Бевосита Соғлиқни сақлаш вазирлигига бўйсунувчи муассасалар ҳамда бошқа вазирлик ва ташкилотлардан «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони билан мукофотлаш учун номзодларнинг ҳужжатлари тўғридан-тўғри Соғлиқни сақлаш вазирлигининг кадрлар бўлимига тақдим этилади.

7. Тақдим этилган ҳужжатларни Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи билан ташкил топган махсус комиссия кўриб чиқади.

8. «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирлаш Соғлиқни сақлаш вазири томонидан амалга оширилади. Нишон тўғрисида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи чиқарилади.

9. «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони билан мукофотлаш одатда «Тиббиёт ходимлари куни» байрами (ноябрь ойининг иккинчи яшанбаси) арафасида амалга оширилади.

10. «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишонини топшириш маросими одатда «Тиббиёт ходимлари куни» байрами (ноябрь ойининг иккинчи яшанбаси) нишонланиш вақтида тантанали равишда топширилади.

11. Айрим шахслар муҳим ҳолатларда ва алоҳида кўрсатган хизматлари учун «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони билан мукофотланиши мумкин.

12. «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишонини топшириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ёки Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг топшириғига биноан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғи ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари томонидан амалга оширилади.

Поздравление

ЛЮБОВЬ И ПРЕДАННОСТЬ ПРОФЕССИИ

Здоровье – поистине самый дорогой подарок жизни. Ведь здоровье это – благополучие и мир в семье, это успешные начинания и конечно же, продуктивность в работе. А значит беречь и дорожить им обязан каждый. Рассуждая об этом, невольно перед взором предстает образ человека, который всю свою жизнь посвящает охране здоровья и тем самым вносит свою огромную лепту в создание светлого будущего. Естественно, это образ врача, день

и ночь стоящего на страже нашего здоровья. Недаром мы отсылаемся о профессии медицинского работника как о самой благородной и почитаемой профессии. На сегодняшний день в сфере оказания медицинской помощи населению в Республике Узбекистан трудятся настоящие профессионалы своего дела. Благодаря кропотливой работе таких специалистов достигаются большие успехи как в науке, так и в практике.



дателя Ассоциации неврологов Узбекистана, Главным неврологом Министерства здравоохранения Республики Узбекистан, заместителем главного редактора Республиканского журнала "Неврология", Членом редакционного совета Российской версии американского журнала "Stroke" (инсульт), Украинского международного неврологического журнала "Неврология и нейрохирургия".

Б. Г. Гафуров является активным участником съездов и конференций, проходивших как в Узбекистане, так и в странах СНГ и дальнего зарубежья.

Профессор Б. Г. Гафуров к тому же и талантливый педагог. Будучи руководителем кафедры неврологии Ташкентского института усовершенствования врачей, он всю свою профессиональную деятельность посвятил подготовке практических врачей-неврологов. Многочисленные ученики Бахтияра Гафуровича, прилагая все мастерство в дело со всей ответственностью, трудятся во благо здоровья. Они являются руководителями кафедр и коллективов в различных ВУЗах и медицинских учреждениях республики.

Как замечательный руководитель Бахтияр Гафурович сумел организовать на самом современном уровне учебный и научный процесс, проводя на кафедре семинары, конференции и клинические разборы с использованием интерактивных приемов обучения, в русле самостоятельного, независимого и творческого мышления.

И на сегодняшний день Бахтияр Гафурович Гафуров продолжает отдавать свои знания ученого, педагога и крупного клинициста на благо развития отечественной науки и практического здравоохранения.

Редакция газеты «Узбекистонда согликни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» поздравляет Бахтияра Гафуровича Гафурова с 60-летием и желает ему крепкого здоровья, долгих лет жизни и больших успехов в профессиональной деятельности.

Ирода ИЛЬХАМОВА.

Бахтияр Гафурович Гафуров – известный невропатолог, доктор медицинских наук, профессор, заведующий кафедрой неврологии Ташкентского института усовершенствования врачей, главный невролог Министерства здравоохранения Республики Узбекистан. Б. Г. Гафуров широко известен в нашей Республике, в ближнем и дальнем зарубежье как квалифицированный клиницист, высококвалифицированный ученый, талантливый педагог и общественный деятель, внесший большой вклад в развитие неврологии Узбекистана.

Бахтияр Гафурович родился 15 сентября 1946 года в семье служащих. Окончив школу с отличием, он поступил в Андижанский медицинский институт. Закончив институт в 1970 году, он начал трудовую деятельность в качестве врача – ординатора городской клинической больницы № 15 г.Ташкента. С самого начала своей трудовой деятельности Б. Г. Гафуров проявил склонность к научно – исследовательской работе. В 1971 году Бахтияр Гафурович стал руководителем лаборатории функциональной диагностики, созданной по инициативе профессора А. Р. Рахимджанова. В лаборатории функциональной диагностики, созданной Б. Г. Гафуровым, впервые в республике было налажено изучение структуры ночного сна методом электрополиграфического его исследования, благодаря чему появилась возможность изучения состояния неспецифических систем мозга и их патологии при различных заболеваниях нервной системы. В 1971 году Бахтияр Гафурович проходил стажировку в Первом Московском медицинском институте, где выполнял часть кандидатской диссертации под руководством про-

фессора А. М. Вейна. В 1975 году Б. Г. Гафуров защитил кандидатскую диссертацию на тему "Структура ночного сна при церебральном инсульте". В 1975 году Б. Г. Гафуров становится ассистентом кафедры неврологии ТашИУВ и в дальнейшем, будучи соискателем кафедры, продолжает свои научные изыскания. Основную часть

руссии, Казахстане, а также в США, 38 методических руководств и пособий, 3 авторских свидетельства на изобретение. Под его руководством подготовлено 6 докторов и 31 кандидата наук, сотни практических врачей-неврологов.

Ныне профессор Б. Г. Гафуров является заведующим кафе-

дропы профессора Б. Г. Гафурова и его учеников способствуют значительному улучшению вопросов диагностики, прогнозирования течения и оптимизации лечебной тактики таких заболеваний, как инсульт, эпилепсия, головные боли, миастения, вегетативная патология. Под руководством профессора Б. Г. Гафуро-

Уважаемый Бахтияр Гафурович!

Искренне поздравляем вас с 60-летним юбилеем и 40-летием профессиональной деятельности!

За этот период, будучи знатоком, искусным педагогом, преданным, трудолюбивым и ответственным своей профессии человеком, вы обрели большое внимание и уважение народа.

Ваша жизнь тесно связана с развитием неврологии в Узбекистане. Вы воспитали большую династию специалистов – неврологов, ставших гордостью всей страны.

Ваше трудолюбие, благородство, скромность служит примером для молодого поколения.

Многоуважаемый Бахтияр Гафурович!

Желаем вам крепкого здоровья и семейного благополучия. Пусть удача постоянно сопутствует в вашей трудной, ответственной и благородной работе. А радость и позитивное настроение никогда не покидает вас.

**Министерство здравоохранения
Республики Узбекистан.**

докторской диссертации "Межполушарные взаимоотношения и неспецифические системы мозга при церебральном инсульте" Бахтияр Гафурович также выполнял при Первом Московском медицинском институте им. Сеченова, под руководством профессора А. М. Вейна. Докторскую диссертацию он защитил 18 ноября 1989 года в Москве, на Специализированном Совете по неврологии и психиатрии.

Бахтияр Гафурович сформировался как крупный ученый-невролог. Он является автором 340 публикаций, среди которых 3 монографии, 2 руководства для врачей, более 200 журнальных статей, опубликованных в Узбекистане, России, Украине, Бело-

рой неврологии ТашИУВ, которую возглавляет с 1996 года и главным неврологом Минздрава Республики Узбекистан (с 1995).

Основными направлениями научной деятельности профессора Б. Г. Гафурова являются цереброваскулярная патология, эпилептология, клиническая вегетология, клиническая сомнология, болевые синдромы, головная боль, сомато-неврологическая синдромология и патология.

Его научные исследования, примененные в практической неврологии, играют немаловажную роль в поиске ответов на актуальные вопросы этой отрасли медицины, её изучении и совершенствовании. В практическом отношении научные разра-

ва, впервые в Узбекистане стал широко внедряться такой высокотехнологический метод экстренной терапии ишемического инсульта, как тромболитизис.

Профессор Б. Г. Гафуров обладает широким научно-организаторским талантом и наряду с многогранной научной деятельностью, ведет активную общественную работу. В настоящий момент Бахтияр Гафурович является заместителем предсе-

дателя Ассоциации неврологов Узбекистана, Главным неврологом Министерства здравоохранения Республики Узбекистан, заместителем главного редактора Республиканского журнала "Неврология", Членом редакционного совета Российской версии американского журнала "Stroke" (инсульт), Украинского международного неврологического журнала "Неврология и нейрохирургия".

сахар микёсида ўтказилган кўрик-танловларда фаол қатнашиб, бир неча бор совринли ўринларни олишга муваффақ бўлди.

Ў. Ташбоева изланувчанлиги, ташкилотчилиги сабаб шаҳар хокимиятига депутат қилиб сайланди. Республикамас мустакиллигининг бир йиллиги муносабати билан эса Ўғилой

Биз «Наврўзобод» маҳалласи фуқаролари жамоатчи аёл, тажрибали шифокор, меҳрибон она Ўғилой Ташбоевани кутлуг 50 ёши билан самимий муборакбод этиб, келгуси ишларига омад, ўзига эса тани-соглик, оилавий бахт тилаб қоламиз.

Ташбоева «Мустақилликнинг бир йиллиги» кўкрак нишони билан тақдирланди.

У босиб ўтган ярим асрлик фаолиятига назар ташлар экан, шу даражага етгани, ташкилотчилиги сабаб шаҳар хокимиятига депутат қилиб сайланди. Республикамас мустакиллигининг бир йиллиги муносабати билан эса Ўғилой

Абдумалик ҚАҲҚОРОВ, Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳри, «Наврўзобод» маҳалласи.

Ибрат

КАМТАРОНА ҲАЁТ – МАЗМУНЛИ УМР

Ўғилой ҳар доимгидек шифохонага барвақт келди. Хонасига қириб иш бошлагунча, бугун қиладиган юмушларини режалаштирди. Соатиға қаради. Қабулга ҳали ўн беш дақиқа бор. Бироз хаёлга берилди. Ҳаёт дарёси қанчалик тез оқиди-я! Мана, ярим асрни босиб ўтбди. Шифокорлиқни бошлаганига ҳам сал кам 30 йил бўлибди...

Ўғилой Сирдарё вилоятининг Ховос кўрғонида, хизматчи Бобоюн ота ва Кумринисо ая оиласида дунёга келди.

Ўғилой ёшлиқдан шифокор бўлишни орзу қиларди. Ўрта

мактабни 1973 йилда битиргач, Тошкент Давлат тиббиёт институти (ҳозирги Тошкент тиббиёт академияси)га ўқишга кирди. Институтнинг стоматология факультетини битиргач, илк иш фаолиятини Гулистон шаҳрида

бошлади. Бир йилдан сўнг, яъни 1979 йилдан Янгиер туман соглиқни сақлаш бўлимига қарашли «Наврўзобод» поликлиникасида ишини давом эттирди. 1985 йилгача тиш шифокори лавозимида фаолият кўрсатди. 1986 йилда мазкур поликлиникага мудира этиб тайинланди. Мана, 20 йилдирки, ушбу даргоҳга раҳбарлик қилиб келмоқда.

У раҳбарлик қилаётган жамоа маҳалладаги тадбирлар ва

Соғлигингиз ўз қўлингизда

БРОНХИАЛ АСТМАГА ДАВО БОРМИ?

Интални қўллашнинг ўз қонун-қондалари мавжуд бўлиб, улар қуйидагиларди:

1. Интални қўллашдан олдин, айниқса, касалликнинг хуруж пайтида дори моддасининг бронхларга чуқурроқ етиб бориши учун аввал бронх кенгайтирувчи ингальторлардан фойдаланиш тавсия этилади.

2. Капсуладаги дори кукуни нафас йўлларига тушиши учун бир марта эмас, уч маротаба чуқур нафас олиш лозим.

3. Интални ингальция қилаётган пайтда дори бронхларга чуқурроқ кириши учун бош сал орқага ташланади (юқори нафас йўллари тўғриланади).

4. Ингальциядан кейин ноҳус сезгилар пайдо бўлган ҳолларда олгини чайиш ва бир неча кўлтум сув ичиб юбориш керак (орқа деворига ўтириб қолган кукун заррачаларини ювиб ташлаш учун).

5. Инталнинг бир кеча-кундуздаги бошланғич миқдори 4 капсулани ташкил этади.

6. Инталнинг таъсири қабул қила бошлагандан бир неча кун ўтгач сезилади, бу беморнинг нафас функциялари яхшиланиши ва бўғилиш хуружларининг камайишида намоён бўлади.

7. Кукун ҳолидаги интал камдан-кам ҳолларда бронхларни қитқилувчи таъсир кўрсатиши мумкин (айниқса, касалликнинг хуруж даврида). Бундай ҳолларда инталдан олдин саломол-эко ёки беротек билан ингальция қилиш мақсадга мувофиқдир.

8. Агар интал билан даволаниш жараёнида бронхал астма хуружи юзага келса, уни қўллашни давом эттириш тавсия этилмайди, бундай ҳолларда препаратни ўзгартириш лозим.

Интални профилактика мақсадида узоқ вақт давомида мунтазам қабул қилиб юрилгандагина муваффақиятли самарага эришиш мумкин. Интал билан даволаниш мuddати беморнинг аҳолига, уй шароитига, ишда аллергиялар билан қанчалик алоқада бўлишига боғлиқ. Интални узоқ вақт давомида қабул қилиб юриши керак. Бу препаратни, айниқса, касалликнинг (бошланғич) 1-босқичларида қўллаш лозим. Даволаш қанча эрта бошланса, шунча яхши самара беради. Даволовчи шифокор беморнинг аҳоли анча яхшилангандан кейин интални маълум мuddатга тўхтатиши мумкин.

Интал қабул қилинганда юзага келадиган ноҳус ҳолатлар камдан-кам ҳолларда учрайди. Баъзан беморларни куруқ йўтал безовта қилади. Бундай ҳолларда аэрозоль ҳолидаги интални қўллаш тавсия этилади. Бундан ташқари, таркибида бронх кенгайтирувчи сальбутамол моддаси мавжуд бўлган интал плюс аэрозоль ингальтор ҳам бор бўлиб, уни профилактика мақсадида ҳам, енгил хуружларда ҳам қўллаш мумкин. Интал препаратлари бронхал астма хуружининг олдини олиш мақсадида аллергияларга дуч келиш хавфи бўлган жойларга бориш ва жисмоний ишлардан 30 дақиқа олдин ишлатилса, касаллик хуружининг пайдо бўлишини бартараф этиши мумкин.

Инталдан кўра кучлироқ таъсир кўрсатувчи яна бир препарат – тайледидр (кимейвий номи недокромил натрий). Бу препарат ҳам профилактика мақсадида қўллашга мўлжалланган. Уни мунтазам қўллаб юриш ҳам касаллик хуружларининг олдини олади. Тайлед – яллиғлашишга қарши кучли таъсир кўрсатувчи модда. Бу препарат яллиғлашишга қарши кучли таъсир кўрсатиши туфайли бронхлардаги сезувчанликни камайтиради, бронхал астманинг энг кўп тарқалган белгиларидан бири, беморнинг кийналишига сабабчи бўлган куруқ йўтални йўқ қилади. Астма билан оғриган беморлар-

да бу касаллик қўлинча аллергия ринит, аллергия конъюнктивит ёки озиқ-овқат аллергияси билан биргаликда келади. Бундай ҳолларда инталнинг махсус турлари қўлланилади: кўз учун – оптикром, бурун учун – ломузол, кромоглин, озиқ-овқат аллергиясида эса налкром ишлатилади. Бу препаратлар касаллик аниқ аллергия табиатга эга эканлигига ишонч ҳосил қилгандан кейингина шифокор томонидан белгиланади.

БРОНХИАЛ АСТМАНИ ДАВОЛАШДА ГОРМОНЛАРНИ ҚўЛЛАШ

Бронхал астмани глюкокортикостероид гормонлар билан даволаш жиддий ёндашишни талаб қилади.

Бу гуруҳ препаратлари аэрозоль кўринишидаги альдецин, гульмикорт, бенакорт бекотид, беклазон ҳамда эритмалар, таблеткалар шаклидаги триамсинолон, декса-метазон, целестон, полкортолон, преднизолон ва бошқалар кирди. Шунинг эсдан чиқармаслик керакки, бу препаратлар даволаш жараёнида беморга салбий таъсир ҳам кўрсатиши мумкин. Бундай ноҳус ҳолатлар қўлинча бемор шифокор кўрсатмаси бўйича иш тутмасдан, тиббиётдан хабари бўлмаган кишиларнинг бемарзни маслаҳатига қўлоқ солиб, ўзбошимчилик қилганида юзага келади. Шунинг учун ҳам уларни жуда эҳтиёткорлик билан қўллаш зарур.

Глюкокортикостероид гормонлар бронхал астмани даволашда яллиғлашишга қарши энг кучли таъсир кўрсатадиган восита ҳисобланади. Улар бронхлардаги ишчи камайтиради, балғам кўчишини енгиллаштиради ва нафас сиқилишининг олдини олади. Бу дори моддалар аэрозоль ҳамда таблеткалар ва инъекция учун ишлатиладиган эритмалар кўринишида ишлаб чиқарилади. Глюкокортикостероид гормонларни хуруж пайтида ҳам, профилактика мақсадида ҳам қўллаш мумкин. Уларни қўллашнинг энг замонавий ва хавфсиз йўли бу шубҳасиз ингальция усули ҳисобланади. Турли давлатларда ўтказилган илмий-тадқиқотлар натижалари шунини кўрсатадики, глюкокортикостероидларни касалликнинг 1-босқичидаёқ қўллаш бемор аҳолининг анча яхшиланишига олиб келади. Бронхал астмада глюкокортикостероидларни қўллашнинг ҳеч қандай хавфи томони йўқ. Урта оғирликдаги бронхал астмани даволаш учун бир кеча-кундузда 800-1000 мкг глюкокортикостероидларни ингальция қилиш керак бўлади. Ингальция учун ишлатиладиган глюкокортикостероидлар ҳам унчалик оммалашмаган вақтларда беморлар таблетка ҳолидаги преднизолондан фойдаланиб келишган (бир кеча-кундузда 1-2 таблетка).

Иккита преднизолон таблеткасида 10 мг фаол таъсир кўрсатувчи модда мавжуд, 10 мг преднизолон таблеткаси 1000 мкг ингальция учун ишлатиладиган (глюкокортикостероид гормон сакловчи препарат) беклазондан 10 марта кўп ҳисобланади. Шундай қилиб бемор гуруҳонал препаратларни ингальция йўли билан қабул қилганда таблетка ҳолида қабул қилгандагига қараганда 10 баравар кам миқдордаги препарат етарли бўлади. Стероид гормонларни ингальция йўли билан юқоридаги миқдорда қўллаш нафақат самарали, балки бемор учун мутлақо безарар ҳамдир. Чунки бу йўл билан қўлланганда дори фақат керакли жойга, яъни бронхларга таъсир кўрсатади, қонга деярли сўрилмайди ва бошқа органлар фаолиятига таъсир кўрсатмайди. Қўсқа қилиб айтганда глюкокортикостероидларни ингальция йўли билан қўллаш беморга ўз ҳолатини ўзи бемалол назорат қила олиш имконини беради.

Ингальция йўли билан қўлланиладиган глюкокортикостероидлардан фойдаланилганда ривож қилиниши лозим бўлган бир қатор кўрсатмалар мавжуд, жумладан:

- биринчидан, бу дори моддалар бронхларга чуқурроқ кириб бориши ва оғиз бўғилишида қолиб кетмаслиги учун махсус курилмалар, спайсерлардан фойдаланиш лозим;

- иккинчидан, ингальциядан кейин албатта оғизни сув билан чайиш ёки бирор нарса еб олиш керак.

Беморларда стероид препаратларни қабул қилишдан кўрқмиш ҳисси узоқ вақт давомида таблетка ҳолидаги глюкокортикостероидларни ичиб юриш натижасида юзага келган асоратлар, хусусан остеопороз – суякларнинг мўрт бўлиб қолиши, қон босимининг кўтарилиши, ошқозон ярасига йўлиқиши мумкинлигидан хабардорлиги туфайли пайдо бўлади. Глюкокортикостероидлар таблеткалар, эритмаларни ингальция йўли билан қўллашнинг имкони бўлмаганда, касаллик оғир кечган ҳолатларда шифокор томонидан тайинланади. Касалликнинг тез-тез қайталаниб турувчи хуружларидан келиб чиқадиган асоратлар таблеткалар қабул қилишдан келиб чиқадиган асоратлардан анча хавфлироқдир. Бемор ҳолатини, қандай дори қабул қилиши кераклигини фақат даволувчи шифокоргина аниқ айтиб бериши мумкин.

Глюкокортикостероидларни иложи борица куннинг биринчи ярмида, овқатдан кейин, кўпроқ суяқлик билан ичишни эсдан чиқармаслик лозим. Доимий равишда таблетка қабул қилиб юрмайдиган беморлар учун бу препаратлар оғир хуруж даврида 7-14 кундан ортиқ мuddатга белгиламмайди (дори миқдорини ҳар кун камайтириб борган ҳолда). Бемор биринчи 2-3 кун ичида дорини энг кўп миқдорда қабул қилади, 3-4 кундан кейин секин-аста дори камайтириб борилади. Бу усул бронхал астмани даволашда энг самарали бўлиб ҳисобланади ва бемор бу препаратларга боғланиб қолмайди. Глюкокортикостероидларни таблетка ҳолида қўсқа мuddат қабул қилингандан кейин уларни аэрозоль кўринишида ингальция йўли билан давом эттириш керак. Стероидларни венага, мускуллар орасига юбориш ёки ичишга зарурат туғилмаслиги учун шифокор кўрсатмаси бўйича ингальторлардан фойдаланиш лозим. Ўзингизни яхши ҳис қилган тақдирда ҳам ўзбошимчилик билан дори қабул қилишни тўхтатиш ёки унинг миқдорини камайтириш мумкин эмас. Бу ишлар фақат шифокор кўрсатмасига биноан амалга оширилади.

БРОНХИАЛ АСТМАНИНГ ТУНГИ ХУРУЖИ СЯБВАЛРИ ВА УНИ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ

Бемор учун энг оғир ва уни энг кўп ташвишга соладиган нарса бу бронхал астманинг тунги хуружидир. Бундай пайтларда бемор қаттиқ безовта бўлади, ҳаттоки унда тўсатдан ўлиб қолиш ҳисси уйғонади.

Баъзан бемор кечаси билан ухламай чиқади ёки эрталабга яқин ўйғониб кетади, бу эса унинг кундузги иш фаолиятига салбий таъсир кўрсатиб, иш қобилияти пасайиб кетади, кун бўйи уйқусираб юради.

Бронхал астманинг тунги хуружини сабабдан юзага келади ва унинг олдини қандай олиш мумкин?

Маълумки, тунда инсон организмидеги ҳар бир аъзо (юрак, ўпка, ошқозон ва бошқалар) ва тизимлар (асаб, қон-томир ва бошқалар) фаолиятида ўзгаришлар содир бўлади. Биринчи навбатда бу ҳолат бронх мускулларини бўшаштириб турувчи гормонларнинг тунда кам (оз миқдорда) ишлаб чиқарилиши ҳамда асаб тизимидаги ўзига ҳис ўзгаришлар туфайли юзага келади. Бундай ўзгаришлар одатда (кўпроқ) эрталабга яқин соат 4-6 ларда энг юқори нуктада бўлади. Бемор кундузи ўзини қанчалик ёмон ҳис қилган бўлса, бронхал астманинг тунги хуружи шунчалик кучли бўлади. Бундай пайтларда беморга бронхларни узоқ вақт давомида кенгайтириб туриш хусусиятига эга бўлган препаратлар: теопек (таъсири 12 соатга давом этадиган), теодур, теолонг белгилаш мақсадида мувофиқ бўлади.

Тайлед аэрозолли ҳам бронхал астманинг тунги белгиларини, айниқса, йўтални йўқ қилишда жуда самарали восита ҳисобланади. Профилактика чора-тадбир-

ларини қўллашга қарамадан астма хуружи содир бўлган ҳолларда ҳам энг муҳим шартлардан бири тушунликка берилмаслиқдир. Бемор хотиржам ўтирган ёки тик турган ҳолда ингальция қойдаларига амал қилиши лозим.

Ингальция техникаси ва нафасга олаётган дори миқдорини билмасдан ингальторни пала-партиш қўллаш яхши натижа берамайди.

Бронхал астманинг тунги хуружида сальбутамол ёки беротекни қўллаш лозим бўлган ҳолларда албатта спайсерлардан фойдаланиш тавсия этилади. Бу дори модданинг етарли миқдорда бронхларга етиб боришига имкон беради. Тунги хуруж тез-тез безовта қилиб турадиган беморлар ёнида албатта иссиқ чой ёки қайнатилган сув тайёр туриши керак (термосда). Хуруж юз берган ҳолда бемор иссиқ чой ёки сувдан бир-икки кўлтум ичиши лозим.

Агар тунги хуруж ҳар кун бир хил пайтда такрорланаверса, албатта, шифокор билан маслаҳатлашиш зарур. Шундай қилиб, бронхал астманинг тунги хуружи бемор организмидеги (циклик) ўзгаришлар натижасида юзага келади ва қўлинча ташқи шароитга боғлиқ бўлмайди. Шунга қарамадан, тунда аллерген билан яқин алоқа (контакт) да бўлиш ҳам бронхал астманинг тунги хуружи юзага келишига туртки бўлиши мумкин. Бундай шароитларда тунги хуруж кўпроқ соат 1.00-3.00 орасида содир бўлади.

Аллергени топиш учун бемор ухлайдиган хонани яхшилаб кўздан кечириб чиқиш керак. Уй чанги қўлинча ёстиқда, ўрин-кўрпаларда йиғилиб қолади. Уй чангига аллергияси борлиги аниқланган бемор синтетик ёки пахтадан тайёрланган кўрпа-ёстиқлардан фойдаланиши лозим. Парранда пати солинган ёстиқларни умуман ишлатиш мумкин эмас. Чунки улар уй чангидеги асосий аллерген ҳисобланган уй қанасининг энг кўп йиғилгандан жойидир. Бу каналар жуда майда бўлиб, уларни оддий шароитда кўз билан кўриб бўлмайди. Уй чангига аллергияси бўлган беморлар яшайдиган уйларида ўзига чанг йиғувчи жижҳалар, гиламлар, китоб жавонлари бўлмагани маъқул (айниқса, улар ухлайдиган хонада).

Бронхал астманинг тунги хуружларини бартараф этиш учун ҳар кун наманланган латта билан чанларни артиб чиқиш, замонавий кучли чангопчиқлардан фойдаланиш лозим. Уй ҳайвонларини ҳам сақламаган маъқул.

Бундан ташқари, балиқларнинг озиғи, паррандаларнинг ахлати ва патлари, зах деворлардаги замбуруғлар кучли аллергиялик хусусиятига эга бўлиб, улар ҳам тунги астма хуружини келтириб чиқариши мумкин.

Айрим дори моддаларни қабул қилиш ҳам астма хуружига сабаб бўлади. Масалан: кўзга томизиви учун ишлатиладиган пилокарпин ёки қон босимини туширувчи модда анаприлин ва бошқа бета-блокаторлар.

Бронхал астмага чалинган беморлар кечки овқатни ётишдан камиди 2 соат олдин ейишлари керак. Кечки овқатни соат 6-7 гача тановул қилган маъқул. Кеч овқатланиб ётиш нафасни қийинлаштиради. Кечаси ошқозон ширасининг кўп миқдорда ажралиб чиқиши эса бемор учун янада хавфли, чунки ошқозон шираси бронхларга тушиши ва уйқуда бронхлар сиқилиши юзага келишига олиб келиши мумкин.

Тунда аллергияларни бутунлай йўқ қилишнинг иложи бўлмаган тақдирда астмага қарши препаратларни қўллаш энг ишончли восита ҳисобланади.

Фотима Йўлдошева,
Тиббиёт фанлари номзоди,
Жамшид НАЗАРОВ,
шифокор-аллерголог.
(Давоми бор).

(Давоми.
Боши ўтган сонларда).

Умумий амалиёт шифокорларига амалий ёрдам

НАФАС АЪЗОЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИ ВА ҲОМИЛАДОРЛИК

Макролидлар – бу моддалар катта молекуллар массага эга бўлиб, уларнинг йўлдошдан ўтиши қийин бўлади. Уларнинг тетраген таъсири аниқланмаган, лекин гипербилирубинемияни келтириб чиқариши ва эмбриогенезни сусайтириш эҳтимоли бор. Бу моддаларни ҳомиладорликда қўллаш яхши натижага олиб келмайди.

Бронхлар дренаж функциясини яхшиловчи моддалар:

Бронхларни кенгайтирувчи препаратлар ҳомиладор аёлларда бронхиал астма ва айрим ҳолларда обструктив бронхитни даволашда қўлланилади.

Ташқи нафас функциясини текширишда ҳомиладорларда бронхиал астма кечишида ўзига хос ўзгаришлар бўлиши аниқланмаган, шу сабабли бронхларни кенгайтирувчи препаратлар, яъни метилксантлар ҳомиладорларга одатдаги дозаларда қўлланилади, лекин қонда эркин айланб юрадиган гидрокортисон ва зардобдаги 3-циклик АМФ концентрацияларининг ошиши, бронхоспастик тонус ва нафас йўллари қаршиликнинг кемайиши ҳомиладорларда бронхиал астма хуружини кемайтиради. Аксинча, ҳомила антигенлари, юқори нафас йўллари вирусли инфекциялари гипервентиляция оғир хуружларини келтириб чиқариши ёки мавжуд симптомларни оғирлаштириши мумкин.

Эуфиллин – бачадоннинг қисқарувчанлигини сусайтириш хусусиятига эга. Метилксантинларнинг ҳомилага тератоген таъсири аниқланмаган. Сальбутамолни венага юборишнинг бачадон атонисини кучайтиришини ҳисобга олиб, туғруқ олди қон кетишида мутлақ тақиқланади. Бундай ҳолларда сальбутамолни ингаляция ҳолида қўллаш тавсия қилинади. Бундан ташқари, дозаланган ингаляторлар, дитек, беродуал, астмопентлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Касалликнинг энгилроқ турларида бронхларни кенгайтирувчи дори моддаларини эндотрахеал йўл билан юбориш мумкин.

Атропин – ҳомила учун хавфсиз, лекин ҳомилада тахикардия келтириб чиқариши мумкин.

Адреналин ҳомиладорлик пайтида эҳтиёт бўлиб ишлатган маъқул. Бу препарат бронхларни кенгайтирибгина қолмай, бачадон қисқаришини сусайтиради, лекин қон босимини бироз кўтариши, юрак уришини тезлаштириши мумкин.

Ностероид яллиғланишга қарши дори моддалари. Юқорида айтиб ўтганимиздек, дориларнинг таъсири ҳомиладорликнинг мўддатига боғлиқ. Кузатишлар шуни кўрсатадики, ностероид яллиғланишга қарши дори моддалари ҳомиладорликнинг дастлабки 5-6 ҳафтасида тавсия қилинганда, боланинг ўлик туғи-

лиши, неонатал ўлим кузатилиши мумкин. Ҳомиладор аёлда эса камқонлик ва қон кетиш ҳоллари кузатишган. Аспирин билан даволанганда неонатал пурпура, тромбоцитлар дисфункцияси ва XII фактор етишмовчилиги сабабли қон қуйилишлар кузатилади. Хулоса қилиб айтганда, ностероид яллиғланишга қарши дориларни ҳомиладорликнинг дастлабки триместрида ва туғишга яқин мўддатларида тавсия қилиш ўта эҳтиёткорликни талаб этади.

Гормонал препаратлар. Ҳомиладорликда зарур бўлган ҳолда гормонал препаратлардан кераклича дозада тавсия қилиш мумкин. Физиологик жиҳатдан ҳомиладор аёлда буйрак усти бези функцияси ўзгариши кузатилади.

Ҳозирги кунда пульмонологияда бронхиал астма ва обструктив бронхитни даволашда дозаланган аэрозол ингальаторлардан кенг қўламада фойдаланилмоқда.

Бу аэрозол ингальаторларга қуйидагилар кирди:

Бекотид, Бекломент, Бекламетазон, Беклокорт, Ингакорт ва бошқалар.

Ҳомиладорликда таркибида гормон бўлган худди шу, дозаланган аэрозол ингальаторлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу ингальаторлар одатдаги миқдорда маҳаллий таъсир кўрсатиб, ҳомилага зарарли таъсир қилмайди.

Десенсибилизацияловчи дори моддалари.

Буларга антигистамин препаратлар кирди. Бу дори моддалари бронхиал астамнинг аллергик турларида тавсия қилинади. Ҳомиладор аёлларга антигистамин моддаларни одатдаги дозада тавсия қилиш мақсадга мувофиқдир.

Бу дори моддалари тавсия қилинганда ҳомиладор аёл ва ҳомилада сезиларли иллатлар кузатилмаган. Кўпроқ қуйидаги антигистамин препаратлари ишлатилади:

тавегил 1 таблеткадан 2 маҳал, супрастин, кетотифен, кейинги пайтларда инталнинг дозаланган аэрозол ва капсулада турбингалаторда ишлатиш самарали натижа бермоқда. Бундан ташқари, ўпканинг сурункали обструктив касалликларини даволашда кальций антагонистларини тавсия қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу гуруҳ препаратларига нифедипин, верапамил кирди. Одатдаги миқдорларда бу гуруҳ препаратлари ҳомиладор аёл ва ҳомилага ноўрин таъсир кўрсатмайди.

